



MICROSOFT EXCEL ДАСТУРИ ЁРДАМИДА ДИДАКТИК ВА МЕТОДИК МАТЕРИАЛЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Собиров Дилшод Солаевич

катта ўқитувчи, Хоразм вилояти ХТХҚТМОХМ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5714557>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05- Noyabr 2021

Ma'qullandi: 10- Noyabr 2021

Chop etildi: 15- Noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

ахборот

технологияларнинг,

ўқув жараёни, Таълим

ANNOTATSIYA

Бугунги кунда ахборот технологияларининг усул ва воситалари дидактик материалларни тайёрлашда катта имкониятлар яратади. Биринчидан, дидактик материалларни тайёрлаш учун кам вақт сарфланади, бу эса ўқитувчининг вақтини тежайди, иккинчидан – ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган дидактик материалларни нафақат қоғоз шаклида, балки компьютер, мобил телефон, планшет ёки шунга ўхшаш бошқа турдаги электрон восита ёрдамида бажариш ҳамда улардан фойдаланиш имконияти яратилади.

Хориж ва ватанимиздаги ахборот технологияларнинг педагогик асослари буйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот технологиялар электрон-дидактик (анимация) кўринишидаги функцияларга асосланиб улар:

- қулай кўринишда бўлган ўқув материалларини тушуниб етишга, берилган маълумотлар ҳақида тушунча ва тасаввур ҳосил қилади;
- кўп маълумотларни олиш, яъни маълумотларни тўғридан-тўғри олиш имконияти яратади;
- ўқув жараёнини енгиллаштиришга, яъни кам вақт сарф қилиб кўп маълумотларга эга бўлишга эришади;

- мослаштирувчанлигига, яъни ўқув жараёнини ташкил қилиш учун қулай бўлган анимацияларни кўрсатиш, мустақил ишлаш учун компьютер технологияларидан фойдаланиш ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб билим олишни ташкиллаштириш масалаларининг ечимини топишга қаратилганлигини ва уларда икки турдаги, яъни информацион ва педагогик ёндашишларни кўришдан иборатдир.

Таълим жараёнида дидактик материаллар ўқувчилар эгаллаган билимларини текшириш, ўтилган мавзуларни ўқувчилар томонидан мустақил равишда ўрганиш, такрорлаш, амалий машқ ва масалаларни бажариш, ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини



назорат қилиш каби муҳим таълимий вазифаларни амалга оширишлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Microsoft Office амалий дастурлар тўпламига кирувчи Microsoft Excel электрон жадвал муҳаррири ёрдамида дидактик материалларни яратишни кўриб чиқамиз. Ўқитувчилар ўзининг фани бўйича Microsoft Excel электрон жадвал муҳаррири ёрдамида назорат кроссвордларини яратишлари мумкин. Ўқувчилар эса мустақил равишда химия, физика, биология, математика фанларидан лаборатория машғулотида олинган натижаларнинг динамик жадваллари ва уларнинг диаграммаларини, турли ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишлари мумкин.

Кроссворд яратиш: ўқувчилар билимини текшириш мақсадида топшириқни кроссворд кўринишида тайёрлаймиз. Кроссвордни яратиш матн киритишдан бошланади, яъни, кроссворд сўзларини электрон жадвал муҳарририга киритамиз. Бунда ҳар бир катакчага сўзларнинг битта ҳарфи киритилади.

Кроссвордимиз 2 та горизонтал ва 2 та вертикал сўзлардан иборат бўлади. Расм 1 да берилгани каби сўзларни киритамиз. Кроссворд сўзлари киритилганидан сўнг ҳар бир сўзни рамкага олишимиз керак яъни чегаралаш (Границы) лозим. Энди кроссвордимизнинг саволларини киритамиз. Расм 1 да кўриб турганингиздек, битта катакчада битта сатр ёзилади. Агарда, битта катакчага бер нечта сатр киритсак, кроссвордимиз сўзлари ёзилган ҳар бир сатр ҳам кенгайди. Кроссворднинг ҳар бир саволини унинг тўғрисида катакчада

ўша саволга тўғри жавоб берилганлигини текширамиз.

Бунинг учун мисол сифатида биринчи горизонтал саволдаги сўзни қандай қилиб тўғри киритилганлигини текширамиз:

1. Расм 1 да берилган биринчи горизонтал сўз (мактаб) ни киритамиз:

2. Биринчи горизонтал савол тўғрисидаги катакчани (M2) танлаймиз ва формулалар сатридан $f(x)$ тугмасини босамиз;


3. Ҳосил бўлган Мастер функций мулоқот ойнасидаги Категории пунктининг Текстовые бўлимини танлаймиз;

4. Ва ушбу бўлимдаги СЦЕПИТЬ (Улаш) функциясини танлаймиз ва ОК тугмасини босамиз;

5. Аргументы функции мулоқот ойнаси очилади ва унинг ҳар бир сатрига кроссворддаги ҳар бир катакчадаги ҳарфни алоҳида киритамиз;

6. Барча ҳарфлар жойлашган катакчаларни танлаганимиздан сўнг ОК тугмасини босамиз;

7. M2 катакчада мактаб сўзи ёзилади.



Расм 1

8. M2 катакчадаги ёзувни яшириш учун M устунни тўла белгилаймиз ва белгиланган соҳада "Сичқонча"нинг чап тугмасини босамиз,



ҳосил бўлган менюдан Скрыть бўлимини танлаймиз;

9. N2 катакчага формула киритамиз ва ушбу формула M2 катакчадаги жавоб билан ўқувчи кроссвордга киритган сўзни солиштиради, агар иккаласи мос келса, яъни ўқувчи тўғри жавобга мос сўзни киритса "1" балл, нотўғри жавоб киритса "0" балл қўйилади:

– N2 катакчасини танлаймиз ва формулалар сатридан $f(x)$ тугмасини босамиз;

– Ҳосил бўлган Мастер функций мулоқот ойнасидаги Категории пунктининг Логические бўлимини танлаймиз;

– ушбу бўлимдаги ЕСЛИ (Агарда) функциясини танлаймиз ва ОК тугмасини босамиз;

– Лог_выражение сатрига M2="мактаб" шартини киритамиз;

– Значение_если_истина сатрига 1 ни киритамиз;

– Значение_если_ложь сатрига 0 ни киритамиз;

– N устунини ҳам 8- қадамда кўрсатилган амаллар асосида яшириб қўямиз.

Ҳудди шу усулда барча вертикал ва горизонтал сўзлар учун юқоридаги қадамларни бажарамиз. Кейинги бажарадиган вазифамиз шундан иборатки, кроссворддаги барча сўзлар киритилганидан кейин улар бўйича тўпланган балларни битта катакчада йиғиндисини ҳисоблаймиз:

10. I14 катакчасини танлаймиз ва қуйидаги формулани киритамиз: =СУММ(L15:L19). Натижада ҳар бир савол қаршисидаги баллар йиғиндиси ҳисобланади. Агарда йиғинди 4 га тенг бўлса, кроссворднинг барча сўзлари тўғри топилган ҳисобланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Карлберг, Конрад. Бизнес анализ с помощью Эхсел 2000.:Пер.с англ.М.:Издательский дом "Вильямс", 2001.